

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 160 (682), 2022 йил 9 август, сешанба



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

КЎШНИ ДАВЛАТЛАР БИЛАН ШЕРИКЛИКДАГИ ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 8 август куни Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни кенгайтириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизнинг Марказий Осиё давлатлари билан дўстона ва ўзаро манфаатли алоқалари изчил ривожланиб бормоқда. Сўнгги беш йилда улар билан ташқи савдо ҳажми 2,5 баробарга кўпайиб, 6 миллиард доллардан ошган. Юртимизда кўшни давлатлар капитали иштирокида 1 минг 700 та қўшма корхона очилган.

Йиғилишда Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий

ҳамкорликни кенгайтиришга оид янги лойиҳа ва тақлифлар кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда кичик бизнесни янада ривожлантириш мақсадида худудларнинг инвестицион жозибадорлиги миллий рейтингини ишлаб чиқиш тизими ҳам муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари кўриб чиқилган масалалар бўйича аниқ топшириқлар берди.

ЎЗА

ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси томонидан Мудофаа ва Маданият вазирликлари ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда “Мард аскарга совға” туркумида ихчам китобларни нашр этиш йўлга қўйилди.

МАРД АСКАРГА МУНОСИБ СОВҒА

ЭЪТИРОФ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР: ХАЛҚЧИЛ, ОЧИҚ ВА ШАФҚОФ

Жорий йил 5 август куни Хитой пойтахти — Пекин шаҳрида жойлашган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Бош қароргоҳида “Янги Ўзбекистондаги конституциявий ислоҳотлар” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Офлайн ва онлайн тарздаги ушбу халқаро тадбир Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчихонаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, “Тараққиёт стратегияси” маркази ва ШХТ котибияти томонидан ташкил этилди.

Давоми 2-бетда

Шу йил 5 август куни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида ушбу туркумда чоп этилган дастлабки 11 номдаги китобларнинг тақдимот маросими ўтказилди. Унда Мудофаа вазирлиги масъул ходимлари, офицерлар, сержантлар, ҳарбий таълим муассасалари ва “Темурбеклар мактаблари” курсантлари, мударрали

ҳарбий хизматчилар, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, вазирлик фахрийлари, таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбир видеоконференцадоқа тизими орқали Мудофаа вазирлигининг тегишли ҳарбий округлари хизматчиларига ҳам онлайн намоиш қилинди.

Сўнгги йилларда Қуролли Кучлар тизимида олиб борилаётган янги ислоҳотлар туфайли юртимизда шаклланган “Халқ билан армия — бир тану бир жон” деган эзгу аъна, айниқса, ижодкорларимиз ва ҳарбий хизматчилар орасида тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

“Мард аскарга совға” туркумидаги тўпламларда истеъдодли адаблари-

мизнинг юксак инсоний фазилатлар тараннум этилган энг сара ҳикоялари, шеър ва дostonларидан парчалар, шу мавзудаги машҳур кўшиқлар матнлари жамланган.

Уларнинг барчаси юрт ҳимоячиларини юксак ватанпарварлик, жасорат ва матонат, фидойиликка даъват этади.

Давоми 6-бетда

МУНОСАБАТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КАДРЛАРИ

юқори салоҳият, савия ва чуқур билимга эга бўлиши талаб этилади

Жамиятни бошқаришда меъёрий ҳужжатларнинг аҳамияти жуда катта. Лекин улар қанчалик мукамал тайёрланмасин, давлат хизмати ва бошқарув органлари раҳбар ва ходимлари фақатгина юқори салоҳиятли ва билимли бўлгандагина мазкур ҳужжатларни амалиётга талаб даражасида жорий этиш мумкин бўлади. 4 август куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши айнан давлат хизматини ислоҳ қилиш ва бошқарувда натижадорликни ошириш чора-тадбирлари масалаларига бағишланди.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш бошида: “Бугунги мавзу 30 йилдан бери кейинга сурилиб келаётган масалалар



ечимига қаратилган. Гап 35 миллион аҳолимизнинг ҳаётини енгил қиладиган, кайфиятига бевосита таъсир кўрсатадиган — давлат хизматини ислоҳ қилиш ҳамда бошқарувда

натижадорлик ва сифатни ошириш ҳақида борапти”, деб алоҳида таъкидлади.

Давоми 3-бетда

МУЛОҲАЗА

БУ УЛУФ НЕЪМАТНИ АСРАНГ, АВАЙЛАНГ...

5-бетга қаранг.

ХУШҲАБАР

ЖАҲОН ШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИ 2026 ЙИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон — юксак интеллект соҳиблари, ҳар бир соҳада ўзига хос истеъдодини намойён қиладиган, Ватан нуфuzини юксалтирадиган ёшлар юрти. Интеллектуал ривожланишга эса турли омиллар, воситалар сабаб бўлади. Улардан бири, шубҳасиз, шахматдир. Мамлакатимизда шахматни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор шу мақсад-муддаони кўзлагани билан аҳамиятли.

Давоми 2-бетда



УЙ-ЖОЙЛАРНИ ПРОФЕССИОНАЛ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ

хизмат сифатини ошириб, аҳолига қулай шароит яратади

ШАРҲ



Мамлакатимизда инсон кадрини улуғлашга қаратилган эзгу саяёҳаракатлар натижасида бугун эътибордан четда қолган шахарчалардан тортиб, энг чекка қишлоқларгача обод бўлмоқда. Асосийси, аҳолининг яшаш шароитларини янада яхшилашга эътибор кучли. Давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаганидек, “Инсон эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётини рози ва мамнун бўлиб яшаши керак”. Шу боис, фуқароларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилди.

Давоми 4-бетда

МУНОСАБАТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КАДРЛАРИ

Юқори салоҳият, савия ва чуқур билимга эга бўлиши талаб этилади



Одил ОЛИМЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Иқтисодий
тадқиқотлар ва ислохотлар
маркази бош илмий
ҳодими, иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Айни пайтда тизимда 118 минг киши ишлайди. Охириги йилларда амалга оширилган маъмурий ислохотлар натижасида давлат хизматчилари халққа анча яқинлашди, “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш тизими йўлга қўйилди. Бир пайтнинг ўзига соҳа ходимларига самарали ишлаши учун муносиб шaroитлар яратилди. Натижада давлат хизматида 40 ёшгача бўлган ходимлар улуши олдинги 37 фоиздан 61 фоизга кўтарилди.

Афсуски, давлат хизмати хали халқни чинакам рози қиладиган тизимга айлана олмади. Хусусан, 2021 йили Халқ қабулхоналарига вазирлик ва ҳокимликлар ходимларининг билимсизлиги ва масъулиятсизлиги ҳақида 25 мингта, уларнинг мулоқот маданияти етишмаслиги билан боғлиқ 7 мингта шикоят тушган. Норозиликларнинг катта қисми Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари фаолиятига дахлдор.

Йиғилишда аҳоли давлат хизмати фаолиятдан қониқмаслиги сабаблари очиб берилди. Жумладан, қобилиятни аниқлаш, ўқитиш, ишини яхши йўлга қўйишга ўргатадиган ихтисослашган яхлит тизим бўлмагани учун айрим раҳбар кадрлар берилган вазифаларни эплай олмапти. Мисол учун, 2022 йилнинг ўтган 6 ойида билим ва кўникмалари етишмагани боис, 37 нафар туман ва шаҳар ҳокими вазифасидан бўшатилди. Умуман олганда, масъул лавозимларда ишлаётган раҳбар ва мутахассисларни тўғри танлаш, тайёрлаш ва мотивация бериш талаб даражасида йўлга қўйилмагани улар фаолиятидаги камчиликларнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мавжуд ҳолатни тубдан яхшилаш мақсадида маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилиб, сўнгги 2 йил давомида чуқур муҳокамалар асосида “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси тайёрланди. Йиғилишда ушбу қонун билан тартибга солиниши назарда тутилётган давлат хизмати янги тизимнинг ҳар бир идора ва ҳудуд кесимида қандай ишлаши, бу борада турган устувор вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонуннинг энг муҳим йўналишларидан бири давлат идораларига ишга қабул қилишнинг очиқ ва шаффоф тизimini яратиш ва амалиётга жорий этиш билан боғлиқ. Бу ўта муҳим ва долзарб масала. Шу боис, бу ҳақда аҳоли ўртасида махсус сўровнома ўтказилди. Унда иштирок этган 50 минг аҳолининг 19 минг нафари (ёки 38 фоизи) давлат тизимига ишга киришда шаффофликни ошириш лозим, деган фикрни билдирган.

Бу вазифани талаб даражасида бажаришни таъминлаш учун 2022 йил якунига қадар қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши лозим: барча вакант лавозимлар очиқ ягона электрон платформага жойлаштирилади, бўш лавозимга танловда



иштирок этиш учун ҳозирги кунда талаб этилаётган 16 та ҳужжатни сўраш бекор қилинади ва барча жараёнлар электрон шаклга ўтказилади, номзоднинг билими, тажрибаси ва салоҳияти очиқ танлов орқали аниқланади.

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларига кучли таъсир ўтказа оладиган ўта муҳим қарорларда хато қилмаслик мақсадида жорий этилиши кутилаётган тадбирларни аввал кичикроқ даражада синовдан ўтказиш ўта муҳим. Шу боис, бу соҳадаги бўлажак янгиликлар Самарқанд вилояти ва Давлат солиқ қўмитасида тажриба тариқасида синовдан ўтказилди. Йиғилишда Самарқанд вилояти ҳокими ва Давлат солиқ қўмитаси раиси тажриба натижалари, унинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида ахборот берди.

Йил якунига қадар ишга қабул қилишнинг синовдан ўтган очиқ танлов тизими барча идораларда жорий этилиши бўйича қарор қабул қилинди. Шу мақсадда икки ой муддатда олий ўқув юртлири дипломлари ва меҳнат дафтарчаларини мавжуд электрон базага тўлиқ киритиб, уни танлов электрон платформасига интеграция қилиш топшириғи берилди. Айни пайтда бўш турган 4 мингта лавозимга шу йилнинг ўзига айнан янги тартиб бўйича ишга қабул қилиш лозимлиги таъкидланди.

Халқаро тажриба кўрсатадики, кадр танлашни ўқув юртлиридан бошлаш мақсадга мувофиқ. Бизда ҳам ана шу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун ҳар бир вазир ва вилоят ҳокими бир ой муддатда ёш мутахассисларни танлаш дастурини тайёрлайди ва шаффоф ҳолда эълон қилади.

Ана шу дастур доирасида олий ўқув юртлири битирувчи курсларининг қобилиятли талабалари танлаб олинб, вазирлик ва ҳокимлик тизимида стажировка ўтайди ва ўқишни тамомлагандан кейин танлов асосида ишга қабул қилинади.

Мана шу ўринда ўта муҳим бир янгиликка эътибор қаратилди. Яъни бу дастур фақат мамлакат ичидаги талабаларгагина тегишли эмас, балки у хориж университетларида тахсил олаётган ёшларимизни ҳам қамраб олади.

Давлат хизматида ишга келиши эҳтимоли бўлган ёшлар учун раҳбарлик поғоналарида ўсиш имкониятлари мавжудлиги ўта муҳимдир. Ана шу мақсадда давлат идораларида “маҳалладан — республикагача” тамойили асосида кадрларни ўстиришнинг замонавий тизими жорий қилинади.

2022 йилда ҳокимларнинг маҳаллалардаги ёрдамчилари ва маҳаллада ёшлар етакчиси ти-



зимлари жорий этилгани бу борадаги ислохотларнинг бошланғич элементлари ҳисобланади. Президентимиз алоҳида таъкидладики, “Биз давлат хизматини маҳаллага тушириш бўйича катта ислохотларни бошладик. Ҳар бир маҳаллада раис, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлардан иборат яхлит тизим яратилди. Бундан бунён раҳбарлик лавозимларига номзодлар маҳаллада одамлар билан ишлаган, уларнинг муаммосини ўз кўзи билан кўриб, ҳал қилган кадрлар орасидан танлаб олинади”.



Бунинг учун жорий йилнинг ўзига, яъни 1 ноябрдан бошлаб эски намунадаги “объективка”дан воз кечилади. Унинг ўрнига илғор IT технологиялар асосида ходимнинг малакаси ва салоҳияти, эришган натижаларини баҳолайдиган тизимга ўтилади. Мутахассис фаолиятини баҳолашда у қайси институтни битиргани ёки қайси ташкилотларда ишлагани эмас, қандай билим ва тажрибага эгалиги ҳамда кўрсатган натижалари асосий мезон бўлади. Бу эса раҳбарликка таниш-билишлик қилиш ва тасодифий шахслар келиб қолишининг олдини олади.

Давлат хизмати раҳбар ва мутахассислари фаолиятининг самарали бўлиши кўп жиҳатдан олдиндан тайёрланган ва қуйи лавозимларда синалган ёшлардан тузилган кадрлар захираси мавжудлигига ҳам боғлиқ. Бунинг учун туман ёки шаҳар даражасидаги раҳбарлик учун салоҳиятли кадрлар захираси яратилади. Бунга номзодлар фақат маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари орасидан танлаб олинади. Захирага кириштирилган мутахассислар учун мақсадли малака ошириш курслари ташкил этилади. Бу номзодлар камида бир ой вазирлик ва ҳокимликларда иш ўрганиб, малака оширади. Хориждан таклиф этилган мутахассислар билан биргаликда номзодларнинг

яратилди. Ҳужжат олиш учун узоқ вақт давомида идорама-идора сарсон бўлиш ҳолатларига чек қўйилди. Жумладан, қайсидир фаолият тури билан шуғулланиш учун олинмаган лицензия бериш, кадастр ҳужжати, тузилганлик гувоҳномаси ва хорижга чиқиш паспортини олиш, олий ўқув юртлирига ҳужжат топшириш, солиқ, коммунал ҳамда ўнлаб турдаги бошқа хизматлар учун тўловлар бўйича қулайликлар яратилиб, уларни уйдан чиқмасдан онлайн бажариш имконияти пайдо бўлди, қатор хизматларни бажариш рақамлаштирилди.

Лекин тараққиёт бир жойда тўхтаб турмайди. Хизматлар кўрсатишни соддаштириш ва рақамлаштириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳали кўп. Масалан, субсидия олиш учун аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида 10 та вазирлик ва идорадан ҳулоса йиғиши керак. Электр тармоқларига уланишда ҳам ортиқча харажат ва бюрократик тўсиқлар бор. Қўрилиш, транспорт, коммунал хўжалиги, стандарт, карантин идораларида аҳоли ва тадбиркорларнинг иши битиши қийин бўлган ҳолатлар кўп. Тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам қайси хизмат бепул ёки пулли бўлиши, касалхона ва санаторийларга бепул йўлланма бериш, давлатдан берилмаган дорилар ҳисоб-китоби ва беморларга етиб бориши жараёнларидаги муаммолар ҳал қилинмаган.

Юқорида баён этилган ва шунга ўхшаш бошқа муаммоларни бартараф этиш мақсадида Бош вазирга бир ой муддатда ҳар бир вазирлик ва



“ Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда вазирликлар тизимидаги 110 та малака ошириш маркази ва курси фаолиятини қайта кўриб чиқиб, ўқитиш дастурлари ва методикаларини янгилаш, уларга малакали мутахассисларни жалб қилиш бўйича манзилли дастур тайёрлайди ва тасдиқлайди. **”**

ҳокимликда аҳоли ҳамда тадбиркорларга хизмат кўрсатиш жараёнларини тушунарли, қулай шаклга келтириш, ортиқча харажатлар ва ҳужжатларни қисқартириш, аҳолига тез ва сифатли хизмат кўрсатадиган шaroитларни яратиш бўйича “йўл харитаси” ижросини таъминлаш топшириғи берилди.

Кўзда тутилётган мазкур ислохотлардан кутилаётган асосий натижа одамлар розилигига эришиш экани таъкидланди.

Охириги йилларда маҳаллада боғча, мактаб, йўл қуриш, сув ва электр тармоқлари тортиб келиш ишларида аҳоли фаол иштирок этадиган тизимлар яратилди. “Очиқ бюджет” доирасида ўтган 6 ойда аҳоли талабига мос 2 мингдан зиёд ана шундай лойиҳа бошланди. Уларга 1,1 триллион сўм йўналтирилди. Кейинги олти ойда бундай лойиҳалар учун яна 1 триллион сўм ажратиш мўлжалланган.

Амалга оширилаётган ислохотларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, аҳоли бундай лойиҳаларга



“ МУТАСАДДИЛАРГА УЧ ОЙ МУДДАТДА “100 ТА ИЛҒОР ЕТАКЧИ” ДАСТУРИНИ БОШЛАШ ТОПШИРИҒИ БЕРИЛДИ. МАЗКУР ДАСТУР ДОИРАСИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ, ФАОЛ ТАДБИРКОРЛАР, ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР ОРАСИДАН ҲАР ИККИ ЙИЛДА 100 НАФАР САЛОҲИЯТЛИ ЁШ МУТАХАССИС ТАНЛАБ ОЛИНИШИ НАЗАРДА ТУТИЛАДИ. КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА УЛАР УЧУН АЛОҲИДА ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛИБ, ХОРИЖДА СТАЖИРОВКА ЎТАШ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ. ЎҚИТИШ ЯКУНИ БИЛАН УШБУ КАДРЛАР ДАВЛАТ ТИЗИМИДАГИ НУFUЗЛИ ЛАВОЗИМЛАРГА НОМЗОД СИФАТИДА ТАНЛОВГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ. **”**

ўзини дахлдор билиб, эгалли туйғуси шаклланипти. Шу боис, яратилган объектлардан асраб-авайлаб фойдаланилмайпти. Шуларни эътиборга олган ҳолда, тегишли вазирлик ва ҳокимликларга жойларда мавжуд муаммоларни бевосита халқ билан маслаҳатлашиб, амалга оширадиган лойиҳалар қўламини янада кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрлаш топшириғи берилди.

Раҳбар ва мутахассисдан фақат талаб қилиш билан кўзда тутилган натижага эришиш қийин. Яъни уларга муносиб шaroит яратилиши ва кафолатлар тизими ҳам бўлиши керак. Бозор иқтисодиётида одамларнинг муайян қисми хусусий секторда фаолият кўрсатади. Демак, бундай рақобат муҳити яратилган шaroитда давлат хизмати мутахассислар учун хусусий сектордан кам бўлмаган, баъзан ундан ҳам юқори шaroитлар яратиб бериши мақсадга мувофиқ. Яъни тажрибаси, малакаси ва эришаётган натижаларига мос равишда ходимни муносиб рағбатлантириш тизими жорий қилиниши керак.

Давлат хизмати сифатини ва бошқарувда натижадорликни ошириш давлат хизматчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича мутлақо янги тизим яратишни тақозо этади. Тез ўзгараётган бугунги шaroитда раҳбар ва мутахассислар ўз устида тинмай ишлаши зарур. Акс ҳолда, улар замондан орқада қолиб кетиши мумкин.

Таассуфки, шу пайтга қадар бу масалага ҳам етарли эътибор қаратилмади. Масалан, айни вақтда давлат хизматчиларининг атиги 20 фоизи малака оширган, бу рақам раҳбарлар даражасида бор-йўғи 1 фоизни, уринбосарлар бўйича эса 5 фоизни ташкил этмоқда. Малака ошириш тизими ҳам замон талабларига жавоб бермайди. Ўтказилган сўровномада малака оширганларнинг 50 фоиздан ортмиги ўқитиш сифати паст эканини қайд этган.

Шу боис, юқори мартабали давлат хизматчиларини тайёрлаш борасида мамлакатимизда таянч муассаса бўлган Давлат бошқарув тизимини янада янги илғор хорижий тажрибалар асосида трансформация қилинади.

Бунда мутасаддилар бир ой муддатда хорижий ҳамкорлар ва нуфузли ўқув марказлари билан бирга қўшма таълим дастурлари ташкил этади ва хорижий мутахассисларни жалб қилиб, янги ўқув дастурлари ишлаб чиқайди ва улар асосида шу йил якунига қадар 5 минг давлат хизматчисини ўқитиб беради.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда вазирликлар тизимидаги 110 та малака ошириш маркази ва курси фаолиятини қайта кўриб чиқиб, ўқитиш дастурлари ва методикаларини янгилаш, уларга малакали мутахассисларни жалб қилиш бўйича манзилли дастур тайёрлайди ва тасдиқлайди.

Мухтасар айтганда, мазкур йиғилишда қабул қилинган чора-тадбирлар давлат хизмати сифати ва ислохотлар натижадорлигини ошириш учун пухта замин тайёрлайди, соҳа хизматида аҳоли розилигига эришиш йўлида ташланган улкан қадам бўлади. Ихчам, юқори профессионал, адолатли, натижага ишлайдиган бошқарув тизимини жорий қилиш бўйича амалга оширилаётган маъмурий ислохотларни якунига етказишга асос бўлади. Давлат хизмати раҳбар ва мутахассисларининг билими, савияли ва салоҳиятли бўлиши эса пировард натижада Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг энг муҳим омилларидан бирига айланади.

УЙ-ЖОЙЛАРНИ ПРОФЕССИОНАЛ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ

Хизмат сифатини ошириб, аҳолига қулай шароит яратади

Шерзод ҲИДОЯТОВ,
уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири

Бошланиши 1-бетда

Жамиятимиздаги ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлаш уй-жой коммунал соҳасининг самарали фаолияти билан чамбарчас bogлиқ.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирилик томонидан кўп квартиралли уй-жойларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш ҳамда кўп квартиралли уйлардаги умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш, уларга туташ ер участкаларини аниқ белгилаш бўйича тизимли ишлар қилинмоқда.



Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 15 та ҳудудда кўп квартиралли уй-жойлар жойлашган ерларни очик танлов ўтказиш йўли билан бошқарувчи ташкилотларга бириктириш бўйича лойиҳа амалга оширилди. Тахлил натижаларига кўра, мазкур лойиҳа доирасида хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиши ҳисобида 1 минг 227 та кўп квартиралли уйда яшовчи аҳолининг яшаш шароитлари янада яхшиланди.

Бугунги кунда республикада мавжуд 39 минг 683 та кўп қаватли уйга 593 та бошқарув компанияси ва 772 та ширкат хизмат кўрсатиб келмоқда.

2017-2021 йиллар оралиғида 27 минг 792 та уй таъмирланди, 2022-2025 йилларда 6 минг 85 та уйни таъмирлаш назарда тутилмоқда. Натижада мамлакат миқёсида таъмирталаб уйлар сони кескин камаяди. Таъмирга муҳтож уйларни таъмирлаш-тиклаш борасида хориз тажрибасини ўрганиш ва маҳаллийлаштириш бўйича ҳам тизимли ишлар олиб борилаётган.

Жорий йилда 2 минг 981 та ширкатнинг бошқарувчи ташкилотларга ўтиши юзасидан умумий йиғилиш қарорлари қабул қилинди. Улар тасарруфидаги 17 минг 530 та кўп квартиралли уй бошқарувчи ташкилотларга бириктирилди.

2017-2022 йилларда ширкатлар жами 1 887,2 миллиард сўм кредит олган бўлиб, уларнинг қопланмаган қисми 1 156,8 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

Бугунги кунда тугатилган 1 минг 303 та ширкатнинг 627 миллиард сўм кредити 3 йилга музлатилган. Қолган 772 та ширкатдан 311 тасида жами 201 миллиард сўм муаммоли кредит мавжуд.

Шунингдек, муаммоли кредитлари мавжуд бўлмаган ва барқарор ишлаётган ширкатлар фаолиятига ҳеч қим аралаша олмайди. Аксарият му-

лардан бери тизимда сақланиб қолган муаммоларни бартараф этиш имкони мавжуд. Шу сабабли кўп квартиралли уйлар бошқарувининг янги шакллари ташкил этиш бўйича инновацион лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Энди кўп квартиралли уйларни бошқариш органлари электрон реестрга киритилгандан сўнг фаолиятини амалга ошириши мумкин бўлади. Бу соҳада шаффофлик ҳамда хизмат сифатини ошириши таъминланади.

Шунингдек, вазирилик томонидан ишга туширилган "Менинг уйим" биллинг тизими бошқарув органларининг ягона, очик электрон маълумотлар базасини шакллантириш, мулкдорлар маблагидан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш,



рожаатларнинг ечими сифатида ушбу қарор муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Бугунги кунда кредит олмасдан фаолият юритаётган 167 та ширкат мавжуд ва уларнинг фаолияти аҳолини қониқтириб келмоқда.

Утган йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида бошқарув органлари томонидан 4 миллиард сўм ўз маблаглари ҳисобидан таъмирлаш ишлари бажарилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярим илгилигида бу кўрсаткич 51 миллиард сўмни ташкил этди.

Рақамлаштириш бугунги кун талаби. Коммунал соҳада ҳам янги авлод рақамли технологиялари билан неча йил-

ларнинг талаб ва меъёрларга мослигини назорат қилади.

Кўп квартиралли уйнинг лойиҳа ҳужжатлари, кадастр паспорти, қурилиш (реконструкцияси) тугалланган кўп квартиралли уйлардан фойдаланиш учун рўқнатномада турар ва нотурар жойлар, умумий мол-мулк рўйхати, кўп квартиралли уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси (режаси, жойлашган объектлар) майдони ҳамда чегаралари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт этиб белгиланди. Мазкур маълумотлар тегишли ҳужжатда белгиланган тақдирда кейинги босқичдаги ҳужжат берилмайди.



Шу ўринда рақамларга эътиборингизни қаратсак: 40 мингга яқин кўп квартиралли уйнинг фақат 10 минг 131 тасига (25 фоиз) кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган бўлиб, уларга туташ ер участкаларига ва умумий мол-мулкка кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилмаган.

Бошқарув ташкилотлари кадастр паспортини расмийлаштириш учун тўловларни икки йилда бўлиб-бўлиб тўлаши мумкин. Дейлик, кўп квартиралли битта уй ва унга туташ ер участкасига кадастр ҳужжатлари расмийлаштириш учун ўртача 5,5 миллион сўм талаб этилади. Агар бошқарувчи ташкилот тасарруфида 50 та кўп квартиралли уй бўлса, бу 275 миллион сўм маблаг зарур бўлади, дегани.

Қарор билан таълим ва тиббиёт муассасаларининг техник ва санитария холатини сақлаб туриш, бино ва иншоотларини таъмирлаш, туташ ер участкаларини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш учун бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда, аутсорсинг шартномаси асосида бошқарувчи ташкилотларни жалб қилиш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқиши белгиланмоқда.

"А" ва "В" рейтингига эга бошқарувчи ташкилотларга кўп квартиралли уйларни бевосита таъмирлашга рўқнат этилмоқда. Мазкур амалиёт таъмирлашга йўналтирилган бўлмаган самарали фойдаланиш ҳамда рейтингни юқори бўлган бошқарувчи ташкилотларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, кўп квартиралли уйларни капитал ва жорий таъмирлаш сифатини ошириш мақсадида таъбир этилмоқда.

Қарор билан кўп квартиралли уйдаги умумий мол-мулкнинг айрим қисмлари ижарага берилиши ва ижара тўловлари бошқариш органларига тўланиши қатъий белгиланмоқда.

Шунингдек, энди фойдаланишга қабул қилинган кўп квартиралли уй-жойни бошқариш усулини танлаш қурувчи томонидан амалга оширилади. Янги қурилган кўп квартиралли уй-жойнинг олди-сотди шартномаси билан бир вақтда қурувчи томонидан танланган бошқарув усулидан сотиб олувчининг хабардор қилиниши ҳамда бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузиш тартиби ҳам жорий қилинади. Бу қурувчи ташкилотларнинг масъулиятини ошириб, уларнинг сифатли ва давлат стандартларига мос равишда қурилишини таъминлайди.

Кўп квартиралли уйларга фақат шахсий идентификация картаси орқали фойдаланиш имкониятига ва видеокузатув функциялари мавжуд лифт ускуна-налари ўрнатилиши ҳам белгиланган. Бу аҳолида дахлдорлиқни ошириш ҳамда умумфойдаланиш қурилмаларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш хусусиятини шакллантиришни назарда тутаяди.

Уй-жой шунчаки бошпана эмас, у инсоннинг кайфияти ва ҳаёт тарзига таъсир этувчи кўрғондир. Ундаги шарт-шароит ва қулайлик инсонларнинг кунлик муаммоларини бартараф этиб, ишга барака олиб келади. Улар ўзларини шу жамиятнинг бир аъзоси сифатида ҳис қилиб, яшаётган жойда чўқур илдири отишга, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилади. Давлатимиз раҳбари эътибор қаратаётган саодатли умрининг моҳияти ҳам шу аслида. Коммунал соҳани ривожлантириш борасидаги ихлоқотлар изчиллиги биз, соҳа мутахассилларини ҳам бу ишга катта масъулият билан ёндашишга ундайди. Бунинг замирида ҳар бир юрtdошимизни ана шундай бахтли-саодатли қириш, "Инсонларнинг дарду ташвишларини уйлаб яшаш — одамлиқнинг энг олий мезонидир", деган эзгу даъватни қалбларга теран синдириш, ҳаёт тарзимизга айлантиришдек улғу мақсадлар муҳимсамдир.

ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ



СОЛИҚЧИ ТАРБИРКОРНИНГ ДЎСТИГА АЙЛАНМОҚДА

Иқтисодий ривожланишни мақсад қилган барча давлатлар, аввало, солиқ сиёсатини такомиллаштириш, уларнинг турлари ва амал қилиш механизмини соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратади. Чунки солиқ соҳасида ислохотларни амалга оширмасдан, солиқ тўловчи жисмоний ва юридик шахсларнинг эркин фаолияти учун шарт-шароит яратмасдан иқтисодий юксалишга эришиб бўлмайди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш солиқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган. Давлатимиз раҳбари томонидан мазкур соҳани тубдан ислох қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар ижроси соҳадаги мавжуд муаммоларга барҳам бериб, амалга оширилаётган ислохотларни янги босқичга кўтарди.

Президентимиз ташаббуси билан давлат солиқ идоралари тизимида ташкил этилган "Солиқчи — тадбиркорга кўмакчи" тамойили ҳақиқий маънода ишбилармон ва солиқчилар ўртасида кўприк вазифасини бажаряпти. Бугун ушбу тамойил асосида солиқ идоралари томонидан тадбиркорларга бухгалтерия ҳисобини юритиш, кредит олиш, солиқ режимини танлаш, солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш тартиби, соҳадаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларга ечим топиш бўйича кенг қўламли амалий ёрдамлар бериб келинмоқда.

Амалга оширилаётган бу каби ишлар, ўз навбатида, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга хизмат қилапти.

Жиззах вилояти солиқ тизимидagi ислохотлар, хусусан, 2022 йилнинг биринчи ярим якунлари ва келгусидаги устувор вазифалар ҳақида вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Бекзод



Тoшпўлатов қуйидагиларни гапириб берди:

— Давлатимиз раҳбари томонидан солиқ тизимида "Солиқчи — тадбиркорга кўмакчи" тамойилининг жорий этилиши том маънода соҳамизда катта бурилиш ясади. Олдинлари тадбиркорлар солиқчиларга жазоловчи орган ҳодими сифатида қараган бўлса, ҳозир улар тадбиркорларнинг ҳақиқий дўсти ва кўмакчисига айланди. Бугун солиқ ҳодимлари томонидан тадбиркорларни қўнаётган муаммолар тахлил қилинмоқда, уларга бухгалтерия ҳисобини юритиш, солиқ ҳисоботларини ўз вақтида электрон топшириш, солиқларни тўлаш ва соҳа қонунчилигидаги ўзгаришлар мазмун-моҳияти тушунирилиб, амалий ёрдам кўрсатишмоқда.

Олдинги даврда тадбиркорлар ҳисоботларини бир кун кечикиб топширса ҳам жарима тўлашга мажбур эди. Банкдаги ҳисоб-рақамлари солиқ идоралари томонидан тўхтатиб қўйиларди. Бугун ҳисобот топшириш ёки солиқларни тўлаш кунни яқинлашса, солиқчилар тадбиркорлик субъектларига кўнгирок қилиб, ҳисобот топшириш ёки солиқларни тўлаш зарурлигини, лозим топилса, бу борада кўмак беришга тайёрлигини тушунирмоқда. Бу солиқ тўловчилар даромадларини яширмай, солиқларни ўз вақтида тўлашлари, ўз мажбуриятларини вақтида бажаришлари учун имконият бўлиб хизмат қилмоқда. Шунда тадбиркор нима учун солиқ тўлаётган

"ТЕМИР ДАФТАР"ГА КИРИТИЛГАН 4 798 ТА ОИЛАНИНГ 4 525 ТАСИ ШУ КУНГАЧА ДАФТАРДАН ЧИҚАРИЛГАН БЎЛСА, "АЁЛЛАР ДАФТАРИ"ГА КИРИТИЛГАН 4 902 АЁЛНИНГ 3 993 НАФАРИГА ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ, ҲОЗИРДА УШБУ ДАФТАРДА 909 НАФАР АЁЛ ҚОЛГАН. ШУНИНГДЕК, "ЁШЛАР ДАФТАРИ"ГА КИРИТИЛГАН 1 698 ЁШНИНГ БАРЧАСИ ДАФТАРДАН ЧИҚАРИЛДИ.

кўрсатилди. 646 та ҳўжалик юритувчи субъектнинг 18,4 миллиард сўм солиқ қарзини 6 ойдан 1 йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилди. 157 та ҳўжалик юритувчи субъектнинг 158,7 миллиард сўм қўшилган қиймат солиғидан мавжуд ортиқча тўловлари уларнинг ҳисоб рақамларига қайтарилди.

Тадбиркорлик субъектлари билан олиб бориладиган тушунтириш ишлари натижасида 2 876 та қорхонадаги 9 976 нафар норасмий ишловчи фуқаро фаолияти қонунийлаштирилди.

Шунингдек, бошқармаимиз томонидан 2022 йилда тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратиш ва бюджетга тушумларни кўпайтириш бўйича жорий йилнинг III чорағида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинган. Ҳисоб-китобларга кўра, 2022 йилнинг III чорағи учун бюджет даромадларига белгиланган 388,4 миллиард сўмлик режа 415 миллиард сўм этиб бажарилгани кутулимоқда.

Ушбу маблаглар тушумини таъминлаш учун 8 та йўналишда 26,6 миллиард сўмлик қўшимча манбалар устиди иш олиб борилиши назоратга олинган.

Айни пайтда Жиззах вилоят давлат солиқ бошқармаси масъул бўлган тўртинчи сектор ҳудудида 68 та маҳалла бўлиб, уларда 308 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. "Маҳаллабай" ишлаш тизими бўйича олиб борилган ишлар натижасида 14 169 фуқарога амалий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 1 210 нафари тадбиркорлик субъектлари яратган иш ўринларига жойлашди, 2 120 нафарига кредит ажратилишида кўмаклашилди, 204 нафари хунармандчиликка жалб этилди, 102 нафарига субсидия берилди, 1 125 нафари жамоат ишларига жойлаштирилди.

Сектор ҳудудида "Мўхтож бўлсанг ол, қодир бўлсанг бер" шиори остида 4 та бепул сохават савдо шохобчаси ташкил этилди.

"Темир дафтар"га киритилган 4 798 та оиланиннг 4 525 таси шу кунгача дафтардан чиқарилган бўлса, "Аёллар дафтарига" киритилган 4 902 аёлнинг 3 993 нафарига ёрдам кўрсатилди, ҳозирда ушбу дафтарда 909 нафар аёл қолган. Шунингдек, "Ёшлар дафтари"га киритилган 1 698 ёшнинг барчаси дафтардан чиқарилди.

Хуллас, солиқ тизимидagi ислохотлар ёки секторлар фаолиятини йўлга қўйиш орқали ҳам қўллаб муаммолар ҳал этилмоқда. Энг муҳими, халқимизнинг эртанги кунга ишончи ортмоқда, тадбиркорларимиз ҳеч қандай тўсиқларсиз тижоратларини янада кенгайтириш йўлларини изламоқда. Бу эса юрtdошимизнинг келажаги янада раванқ топишини аниглайди. Зеро, халқи бахтли, тадбирқори кўп ва бой давлат, албатта, ривожланади.

"Янги Ўзбекистон" муҳбири Фарҳод НЕЪМАТОВ ёзиб олди.

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

МАРД АСКАРГА МУНОСИБ СОВҒА

“БУ КИТОБЛАРДА ЖАМЛАНГАН ОНА ВАТАНГА САДОҚАТ, ФИДОЙИЛИК, МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ КАБИ ФАЗИЛАТЛАР ТАРАННУМ ЭТИЛГАН ЭНГ САРА ҲИКОЯЛАР, ШЕЪР ВА ДОСТОНЛАР БИЗДА КАТТА ТААССУРОТ УЙЎТМОҚДА.

“МИЛЛИЙ РУҲ — ЕНГИЛМАС КУЧ”

Баҳодир ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазир

Яъни:

“Мина қадамдан мис тангани урганга — Мен тегаман мана шундай мерганга”, дейди.

Энди, минг қадамдан ўқ-ёй билан мис тангани беҳато уриш учун йигит, албатта, ҳозирги тил билан айтганда, моҳир снайпер бўлиши керак. Шу нуктаи назардан қараганда, бугун кадрли ҳарбийларимизга тақдим этилаётган ушбу туркумнинг “Мард аскарга совға” деб номланишида албатта чуқур маъно бор. Бу китоблар мардларнинг мардларига, ботирларнинг ҳам энг ботирларига бағишланади.

Айни вақтда, ушбу китоблардан ўрин олган гўзал ва етук асарлар муаллифлари ҳам — Ҳазрат Алишер Навоидан тортиб Муҳаммад Юсуфгача, Бобур Мирзодан тортиб Алишер Ибродиновгача, Зулфияхонимдан тортиб Зебо Мирзаевагача — барча-барчалари суз лашкарининг шижоатли жангчиларидир. Уларнинг энг кучли, энг таъсирчан асарлари, шунингдек, Маданият вазирлиги томонидан тайёрланган ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги ёрқин қўшиқлар тўплами бундан буён мард аскар ва сержантлар, офицер ва генералларимизнинг маънавий ҳамроҳига айланади, уларни доимо юксак марраларга руҳлантиришига хизмат қилади, деб ишонамиз.

Бугунги кунда дунёда ва минтақамизда турли хавф-хатар ва таҳдидлар, қуролли тўқнашувлар тобора кучайиб бораётган бир даврда юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, шу мақсадда Қуролли Кучларимизнинг қудрати ва салоҳиятини ошириш, ҳарбий хизматчиларнинг ватанпарварлик туйғуси ва жанговар руҳини юксалтириш хал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бунга барчамиз — мана шу гўзал ва бетакор юртда, жонажон Ўзбекистонимизда яшайётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро, ҳар бир ватандошимиз нафақат ғувоҳимиз, балки, биринчи навбатда, масъулдиримиз.

Мир Алишер Навоий қандай буюк гуманист инсон бўлгани тарихдан яхши маълум. Ул

оширилаётган кенг кўламли ислохотлар туфайли юртимизда “Халқ билан армия — бир тану бир жон” деган эзгу тамойил тобора мустаҳкам қарор топмоқда. Халқ ва армия ўрта-сидаги яқдиллик, айниқса, ижодкорларимиз ва ҳарбий хизматчилар орасида тобора мустаҳкамланиб бораётгани барчамизни мамнун этади.

Бугунги кунда шоир-ёзувчилар, санъаткорлар, театр ва кино актёрлари, рассомлар доимий равишда ҳарбий қисмларда бўлиб, аскарлар билан самимий учрашувлар ўтказмоқда. Замонамиз қаҳрамонлари бўлган мард ва ватанпарвар ҳарбийларимиз ҳақида турли



бадий асарлар яратилмоқда. Мудофаа вазирлиги қошида тузилган Жамоатчилик кенгашида кўплаб таниқли ижодкорлар ҳам фаолият олиб бормоқда.

Яқинда дунё юзини кўрган “Мард аскарга совға” туркумидаги китобларни ана шу ҳамкорликнинг изчил давоми сифатида баҳоласак, адашмаган бўламиз.

Уз ҳаётини дунёдаги энг шарафли ва муқаддас вазифага — Ватан ҳимоясига бағишлаган ҳарбий хизматчиларимиз ва ижодкор зиёлиларимиз ўртасида мана шундай яқдиллик ва ҳамкорлик тобора кучайиб бораётгани жуда эътиборлидир.

Тарихимизнинг қайси даврини олмайли, халқимиз азалдан ўз ҳаётининг қалқони бўлган, уни турли бало-қазолардан ҳимоя қиладиган, энгига ҳарбий либос кийган ўғлонларига ҳаммиса катта ишонч ва ҳурмат билан муносабатда бўлганини кўрамиз.

“Мард аскарга совға” туркумидаги китоблардан ўрин олган энг сара шеър ва ҳикояларни ўқиб, бу ҳақиқатга яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Жасорат, мардлик, қаҳрамонлик ва баҳодирликни, қўлига қурол тутган Ватан ҳимоячиси унлашга, унга меҳр-эътибор кўрсатиш — адабиёт ва санъатимизнинг доимо бош мавзуларидан бўлиб келади.

Ўзинида бўлса, машҳур “Алпомиш” достонинда Барчин ўзига совчи кўйган алп ўғлонлар олдига оғир шарт қўяди.

зотинг сафар чоғида чодирга ин кўйган мусича уясини буздирмасдан, қуш токи полапонларини учирма қилиб кетгунга қадар кутгани тилларда дoston бўлган. Аммо шундай беозор инсон ҳам юрт бошига иш тушганида, эл-улус тинчлигига хавф туғилганида қўлига қилич олиб жанга киргани, бу унинг нафақат суз мулкнинг, айни вақтда ҳарб жабҳасининг ҳам амри бўлганидан дaлoлaт бeрaди вa бaрчaмизни аждoдлaр жaсoрaтидaн ибрaт oлишгa ундaйди.

Ҳарбий хизматчиларимизга яхши маълумки, энг кичик ҳарбий гуруҳ, яъни бўлинма 11 кишидан ташкил топади. Шу маънода, “Мард аскарга совға” туркумидаги дастлабки 11 та китобни мажозий маънода бадий адабиётимизнинг 11 номдан иборат кичик бир бўлинмаси, дейиш мумкин.

Мудофаа вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида “Мард аскарга совға” лойиҳасини мунтазам давом эттириш ва ушбу китобларни тез орада барча ҳарбий қисмлар ва округлар, ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига етказиш режалаштирилган.

Уйлаймики, ичмам ва қўлай ҳажмида нашр этилаётган ушбу китоблар аскар ва курсантларнинг доимий ҳамроҳига айланиб, уларни она Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишга, эл-юртимиз озодлиги, халқимиз фаровонлиги учун курашишга, мана шу йўлда жон фидо этган буюк аждодларимиз ва қаҳрамон юртдошларимизга муносиб бўлишга даъват этади.

ватанпарварлик туйғуси билан бевосита боғлиқ эканини инobatта олган ҳолда, “Мард аскарга совға” лойиҳасини мунтазам давом эттириш лозим, деб ҳисоблайман. Ушбу китоблар мен ва сафдошларимни ҳаммиса эл-юрт ҳимоясига шай туришга, Ватанимиз озодлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида жон фидо этган буюк аждодларимиз ва қаҳрамон юртдошларимизга муносиб издош бўлишга даъват этиб туради.

КАТТА ТААССУРОТ УЙЎТМОҚДА

Асадбек АБДУСАТТОРОВ, Қуролли Кучлар академияси курсанти

Жангда душман устидан галаба қозониш, душманга муносиб зарба бериш учун ҳарбий хизматчи жисмонан бақувват бўлиши шарт. Бирок жанчи жисмоний жиҳатдан кучли, аммо унда миллий гуруру ва жанговар руҳ шаклланмаган бўлса, мағлубиятга юз тутиши муқаррар.

“Ҳарбий хизматчида миллий гуруру ва жанговар руҳ қандай пайдо бўлади? Бунинг учун нима қилиш керак?” деган саволларга “Мард аскарга совға” китоблар тақдимида жавоб олдик, десам, муболага бўлмайди.

Ушбу тадбирда ҳарбий хизматчида миллий гуруру, жанговар руҳ шаклланиши ва ривожланишида шоиру ёзувчилар, санъаткорлар, театр ва кино актёрларининг ўрни беқиёс эканини кўрдим.

Бу китобларда жамланган она Ватанга садоқат, фидойилик, мардлик ва жасорат каби фазилатлар тараннум этилган энг сара ҳикоялар, шеър ва достонлар бизда катта таассурот уйғотмоқда.

Бу китоблардан академияда бўлиб ўтадиган турли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, жисмоний машғулотлар, паркуҳжалик кунлари ва дам олиш соатларида кенг фойдаланиши йўлга қўямиз.

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

Бу дунёда кураш кетар туну кун, Ҳар қарин онг, ҳар бир қарин қалб учун. Уйғон, болам, энг бебаҳо бахт учун — Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Жаҳолатнинг байроғи ҳам қорадир, Инсон ашар ёруғлик барҳақ учун. Ҳар ўйил-қиз, билсанг, жигарпорадир — Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Ошу нон деб ном сотганлар, аё, сиз, Уйламангким рўзгорини таёх учун, Кураш кетар тинчлик ва аёвсиз — Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Разолат тинч турмас ахир ҳеч қачон, Отлангандай ҳар тонг ҳарбу зарб учун, Хушёр бўлгил, бедор бўлгил, болажон — Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Боболаринг хокин бориб суриштир, Туғларинг туғроқларини кўр кучин: Умрлари бошдан-оёқ курашдир — Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Маърифатдан нажот изла, иста ком, Ёш жонингиз шунча таҳдид, хавф бутун, Умрингиз ҳар онин жангу жадал бил — Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Давр сендан шиддат кутар, жадал қил, Ёш жонингиз шунча таҳдид, хавф бутун, Умрингиз ҳар онин жангу жадал бил — Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Шу миллатнинг кўрки сенсан, нақши сен, Жисму жонинг сафарбар эт, қалқ бутун. Ёзувликка ўзинг тургин қарши сен — Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Элнинг шаъну шавкати ҳам зиёси Сўнмас асло то бор экан бу очун. То уйғоқдир ҳар бир кўзи қароси — Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Сироҷиддин САЙИД, Ўзбекистон халқ шоири

ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

Мўътабар меросдир бизга: ер азиз, осмон азиз, Бу муқаддас юртимизда эл азиз, инсон азиз.

Табарруқ тупроқда унган майсалар ҳам тўтиё, Боғбон меҳри бирла боқсанг, гул азиз, бўстон азиз.

Беқадр кечди замонлар, беқадр ўтди башар, Қадр топган шул даврни бил азиз, даврон азиз.

Имонли севгай Ватанини, имонсизлар беватан, Муҳаддислар юртидир бу, дил азиз, имон азиз.

Азизим, қардoш дўстим, боғимиздир мунтазир, Меҳмондўст ўзбек элига кел, азиз, меҳмон азиз.

Қўтлуғ Ватаннинг мадҳига қўлда сoзим тинмағай, Азиз юртдан илҳом олсанг, шеър азиз, дoston азиз.

Мўътабар меросдир бизга: ер азиз, осмон азиз, Бу Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз.

Иқбол МИРЗО, Ўзбекистон халқ шоири

БАҲОДИР ЎҒЛОНЛАРГА БАҒИШЛАНГАН КИТОБЛАР

Хайриддин СУЛТОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси

Жорий йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев томонидан Хавфсизлик Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида мамлакатимиз Қуролли Кучларини янада ислоҳ қилиш, жумладан, ҳарбий кадрларни тайёрлаш, уларнинг жанговар руҳини ошириш, ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар қалбиде она юртга садоқат, мардлик ва жасорат туйғуларини мустаҳкамлаш, бу борада таъсирчан тарғибот ишларини олиб бориш борасида бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилган эди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириқларига биноан, Мудофаа ва Маданият вазирликлари, Ёзувчилар уюшмаси, Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан ушбу йўналишда алоҳида дастур ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Ана шу дастур доирасида Қуролли Кучлар тизими ҳарбий хизматчилари, ҳарбий таълим муассасалари курсантлари учун “Мард аскарга совға” туркумида ичмам китобларни нашр этиш йўлга қўйилди.

Айни вақтда ушбу туркумдаги дастлабки 11 та китоб нашрга тайёрланиб, жами 35 минг нусхада чоп этилди. Ҳаммамизга маълумки, сўнгги йилларда Қуролли Кучлар тизимида амалга

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДУК МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирилган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфия жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-864. 81651 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.